

БЎЛҒУСИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ОИЛА ВА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Ф.Ўринова, ФарДУ доценти

Мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнида барча соҳалардаги каби маънавий-маърифий жабҳаларда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Мазкур муаммо Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг усувор йўналиши сифатида изчил ҳал этилмоқда.

Янги ижтимоий иқтисодий шароитда малакали мутахассисни таёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнининг илмий асослари яратилди, янги мазмун ва йўналишда фаолият юрутувчи узликсиз таълим тизими шакллантирилди.

Ҳозирги шароитда республикамизда бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий маърифий фаолиятга тайёрлаш механизмини яратиш олий педагогика илм масканлари олдида турган энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб бўлажак ўқитувчиларни маънавий- маърифий фаолиятга тайёрлашда ўқув жараёнига касбий маънавий сифатларнинг киритилиши ҳамда уларнинг касбий қобилиятини маънавий шакллантириш лозим бўлади. Бунда бўлғуси ўқитувчиларда юқоридаги ҳислатларни таркиб топтиришда олий ўқув юртининг асосий вазифаси маънавият ва маърифат марказлари, илмий тарғибот марказлари, жамоатчилик ташкилотларидаги маънавият ва маърифат марказлари, маҳалла, оила ва мактаблар фаолиятини изчил жонлантиришдан иборат бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчиларда маънавий маърифий ишларни ташкил этишни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Улар:

- Маънавий маърифий ишларни ташкил этишнинг назарияси ва амалиёти орасидаги педагогик психологик зиддиятни бартараф этиш.

- Талабаларнинг бўш вақтини фойдали ташкил қилишга қаратилган тарбиявий, маънавий- маърифий ишларнинг янги тизимини ишлаб чиқиш
- Талабалар касбий маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этишининг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш
- Мазкур таълим йўналишида олий таълим муассасаси ва оила, маҳалла ҳамкорлигининг самадорлигини ошириш

Ижтимоий педагогиканинг мақсади ҳам шунга йўналтирилган. Мисол учун, асосий педагогик ҳужжатларимиздан бири “Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепциясида “Оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнатилган бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишини таъминлаш – оилавий тарбиянинг асосий вазифаси” эканлиги таъкидланади

Юқорида қайд этилганларга асосланиб, бўлғуси ўқитувчи кадрларни тарбиялашнинг миллий модели вазифалари доирасига қуйидагиларни киритиш мумкин;

– ёшлар тарбиясида оиланинг ғоявий, миллий-маънавий, мафкуравий ролини белгилаб олиш;

– ота-оналарни фарзандларини вайронкор ғоялардан ҳимоялаш услубияти билан қуроллантириш;

– ота-оналар учун мустақиллик ва миллий ғояни мустаҳкамлаш, мафкуравий тўқнашувлар воқелигини тўғри акс эттиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар.

Ёш авлодни ғоявий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий-маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилиши, шахсни ғоявий тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол

топтиришнинг устуворлигини таъминлаш, жамиятнинг умумий ҳамда педагогик маданиятини кўтариш, мамлакатимиз фуқаролари орасида маърифий ишларни такомиллаштириш педагогиканинг асосий мақсади сифатида қаралмоқда. Бу мақсад қатор вазифаларнинг бажарилишини тақозо қилади.

Жумладан:

- маҳаллада соғлом муҳит, миллий руҳ ва маърифатли турмуш тарзини яратиш;
- фарзандлар учун ота-онанинг ғоявий жиҳатдан ўрнак бўлиши;
- маҳалла аҳлининг Ватан, Миллат, Мустақиллик олдидаги бурчларини англаб етишлари, фуқароларнинг уларга риоя қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- бозор муносабатларига хос бўлган касб-хунарга йўналтириш ҳамда иқтисодий билимларни фарзандлар онгига сингдириш;
- маҳаллада болаларнинг соғлом эътиқод соҳиби бўлишлари учун маданий-маърифий муҳит яратиш;

Бозор иқтисодиёти шароитларида катта муваффақиятларга эриша оладиган, ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол ёш авлодни тайёрлашни маҳалла тарбиявий фаолиятига сингдириш ва оилада соғлом муҳит яратишда миллий руҳ ва соғлом турмуш тарзини ҳисобга олиш муҳимдир. Мазкур вазифалар барча оилаларнинг тарбиявий ишига янги йўналиш - “ғоявий тарбия”ни киритишни, маҳалла маслаҳатчиси фаолиятини зарур методик тавсия ва қўлланмалар билан бойитишни талаб қилади. Шу боис, ҳозирги кунда диний, маънавий-маърифий масалалар бўйича маҳалла фуқоролар йиғинларининг маслаҳатчиларидан, маъсул соҳа мутахассисларидан қуйидаги маънавий ва ижтимоий–иқтисодий вазифаларини билиш ва уларни юксак малака билан бажаришни талаб қилинмоқда:

- Оила ва маҳалла фуқаролари йиғинларининг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом дини анъаналарини билиш ва уларга амал қилиш;
- миллатлар ва элатлар ўртасида дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик, тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган фикрларни тарғиб қилиш;
- диний ақидапарастлик ғояларини фoш этиш, миллий истиқлол ғоясига садоқатни ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш;
- оила ва ҳаётда мутелик, маҳдудлик, боқимандалик кайфияти ва ҳиссиётларига қарши курашиш, бошқаларни ҳам ушбу ўтмиш сарқитларидан қутулишларига ёрдамлашиш.

Демак, юқоридаги билдирилган фикр- мулоҳозаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бўлажак ўқитувчиларни маънавий маърифий фаолиятга тайёрлаш таълим муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, оила ва маҳалланинг маънавият ва маърифат марказининг, маънавий маърифий ишлар тизимининг махсус йўналиши сифатида танлаб олиниши лозим ҳисобланади.